

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ САМАРҚАНД  
ФИЛИАЛИ**

**“КЕЛИШИЛДИ”**

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети Самарқанд филиали  
директори

---

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2021 йил

---

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2021 йил

**5A234101 – Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)  
магистратура мутахассисликларига кирувчилар учун махсус  
(ихтисослик) фанларидан кириш синов**

**ДАСТУР**

**Самарқанд – 2021 й.**

## АННОТАЦИЯ

Дастур 5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) ҳамда 5350300 –“АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент” таълим йўналишлари негизида 2017/2018 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режаларидаги асосий фанлар асосида тузилган.

### ТУЗУВЧИЛАР:

Ф.Б.Ахроров– ТДИУ СФ – Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича филиал директори ўринбосари, и.ф.н., доцент.

З.Х.Абдуллаев – ТДИУ СФ – Илмий ишлар ва инновациялар бўйича филиал директори ўринбосари, и.ф.ф.д (PhD).

С.А.Абдивоҳидов – ТДИУ СФ – Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

О.Пардаева – ТДИУ СФ – “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” кафедраси мудири (PhD).

### ТАҚРИЗЧИЛАР:

М.Қ.Пардаев - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Н.А.Иминова - Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети “АКТ соҳасида иқтисодиёт” кафедраси мудири и.ф.н., доц.

Ҳ.И.Турдибеков - ТДИУ Самарқанд филиали Иқтисодиёт факультети декани, и.ф.н., доцент.

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиалининг 2021 йил 25 июндаги №11-сонли Ўқув-услубий кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

## КИРИШ

Дастур 5А234101–Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчиларнинг иқтисодий билимлар ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг назарий билимлари ҳамда амалий кўникмаларини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган.

5А234101–Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчилар 5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) ҳамда 5350300 –“АКТ соҳасида иқтисодиёт ва менежмент” бакалавриат таълим йўналишлари “Инновацион иқтисодиёт”, “Рақамли иқтисодиёт”, “Ҳисоб асослари” ва “Микромакроиқтисодиёт” фанлари бўйича ёзма синов саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида камраб олган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган:

### **Инновацион иқтисодиёт фани бўйича:**

Инвестициялашнинг мақсадлари ва йўналишлари. Инвестициялаш объектларини режалаштириш ва танлаш. Инвестицияларни алоҳида объектлар ёки дастурлар бўйича режалаштириш. Мукамал капитал бозори ва инвестицион лойиҳадан фойдаланиш муддатлари белгиланган ҳолатлар учун инвестицион моделлар. Мукамал капитал бозори ва инвестицион лойиҳадан фойдаланиш муддатлари ўзгарувчан ҳолатлардаги инвестицион моделлар. Корхонанинг ишлаб чиқариш-молиявий фаолияти режалари билан ўзаро алоқадорликда инвестицион режалаштириш. Реал инвестицияларни амалга ошириш. Молиявий инвестицияларни амалга оширишнинг хусусиятлари. Инвестицион ресурслар.

Молиялаштиришнинг турлари ва шакллари ва тавсифи. Лойиҳаларни қарз маблағлари орқали молиялаштириш. Улушлар асосида лойиҳаларни молиялаштириш. Молиялаштиришнинг аралаш шакллари. Молиялашнинг венчур тизими. Облигация қарзлари: асосий параметрлари уларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар. Лизинг асосида молиялаштириш: турлари, шакллари ва устунликлари. Бюджет маблағлари орқали молиялаштириш. Давлатнинг инвестицион сиёсати. Чет эл инвестициялари тушунчаси. Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг зарурияти. Инвестицион муҳитнинг жозибадорлигини ошириш. Иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг ҳуқуқий асослари. Тўғридан-тўғри инвестициялар ва портфел шаклидаги чет эл инвестициялари. Саноат тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш динамикаси. Ҳалқаро бозорларга чиқишнинг асосий шакллари орасида тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг ўрни ва роли.

Инновацион фаолият тушунчаси. Инновацион лойиҳа, инновацион жараён тушунчалари. Корхонада инновацион менежернинг асосий вазифалари. Инновацион жараёнга таъсир қилувчи омиллар. Инновациялар тушунчаси ва уларнинг таснифи. Инновацион товарни яратиш жараёнининг босқичлари.

Инновацион фаолиятни бошқариш тизимларига қўйиладиган асосий талаблар. Илмий-тадқиқот ва тажриба – конструкторлик ишларини бошқариш тизими. Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Инновацион жараёнларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. Илмий изланишлар, фундаментал Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватланишнинг нодавлат шакллари. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солишда хориж тажрибаси. Саноати ривожланган давлатларда илмий-инновацион ривожланиш моделлари. Инновацион ташкилотлар таснифи. Виолентлар, патентлар, коммутантлар ва экплерентлар стратегиялари. Кичик бизнеснинг хусусиятлари. Ихтисослашган ва комплекс инновацион ташкилотларининг ўзига хос хусусиятлари. Лойиҳа конструкторлик ташкилотлари ва махсус конструкторлик бюrolари, илмий-тадиққот, маркетинг ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари, курилиш-монтаж ташкилотлари, технопарк, технополис каби ташкилотларда инновацион фаолиятини олиб бориш. Инновацион ташкилотларнинг тузилмалари таснифи ва вазифалари.

Тузилмавий қайта қуриш – ташкилотнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий воситаси. Таваккалчилик тушунчаси ва унинг моҳияти. Таваккалчиликнинг объекти ва субъекти. Таваккалчилик таснифи. Таваккалчиликни пасайтириш усуллари ва омиллари: таваккалчиликдан қочиш; таваккалчиликни тақсимлаш; таваккалчилик манбаларини локализациялаш ва диверсификациялаш; суғурталаш ва хеджирлаштириш. Таваккалчиликни бошқаришнинг услубий асослари. Таваккалчиликнинг ички ва ташқи омилларининг мониторинги ва таҳлили. Таваккалчиликни баҳолаш ва уни оптималлаштириш.

Инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий таъминоти. Меъёрий-услубий таъминот. Норматив актлар ва стандартлар. Қоидалар ва йўриқномалар. Инновацион фаолиятни бошқаришнинг ресурс таъминоти ва ресурслар турлари. Молиявий таъминот, молиялаштиришни ташкил этишнинг тамойиллари ва вазифалари. Инновацион фаолиятни бошқаришнинг ахборот таъминоти ва инновациялар статистикаси. Коммуникациялар ва ахборотлар сифатига бўлган асосий талаблар. Илмий-техникавий ахборот ресурсларини яратиш. Инновация объектларини уларнинг нодирлиги асосида рақобатбардошлигини таъминлаш асослари. Рақобат устунликларини баҳолаш. Турли объектларнинг рақобат устунликларини таъминловчи анъанавий омиллар. Ташқи ва ички омиллар. Персонал, маҳсулот ва хизматлар. Тармоқ, минтақа ва мамлакат миқёсида рақобат устунликларини таъминлаш. Рақобат қонунини таҳлил қилиш. Янгиликлар ва инновациялар портфелининг таркиби. Венчур капиталининг иқтисодий вазифалари. Венчур капитали ва венчур бизнеси. Таваккалчиликка асосланган бизнесни молиялаштиришнинг асосий хусусиятлари. Венчур асосидаги молиялаштиришнинг устивор йўналишлари. Молиявий таваккалчиликни минималлаштиришнинг асосий тамойиллари. Венчур капитали манбаалари. Венчур асосидаги бизнесни давлат томонидан тартибга солиш. Таваккалчиликка асосланган инвестицияларни молиявий

баҳолаш усуллари ва асосий тушунчалари. Ўзбекистонда венчур асосида молиялашнинг истиқболлари.

### **Рақамли иқтисодиёт фани бўйича:**

Рақамли иқтисодиёт тушунчаси ва унинг аҳамияти. Рақамли иқтисодиётнинг таркибий қисмлари тавсифи. Рақамли иқтисодиётнинг ижобий ва салбий томонлари. Рақамли иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичлари. Рақамли иқтисодиётнинг асосий ривожланиш йўналишлари.

Майнерлар ва уларнинг электрон тижоратдаги аҳамияти. Криптовалюталар – электрон тижоратнинг активи сифатида. Блокчейн технологиялари, унинг яратилиши ва қўлланилиши. Блокчейнда электрон тижорат ҳавфсизлигини таъминлаш. Блокчейн технологиялари ва молиявий хизматлар трансформацияси.

Сунъий интеллект (Artificial Intellect) технологиялари ва компютерлар ёрдамида ўқитиш. Булутли технологиялар (Cloud Computing) ва улардан фойдаланиш. Буюмлар интернет (Internet of Things - IoT) нинг моҳияти ва ишлатилиши. Катта ҳажмдаги маълумотлар (Big Data) технологияси. Рақамли аналитика (Digital Analitics) ҳақида тушунча. Молиявий-иқтисодий соҳада блокчейндан фойдаланиш. Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида блокчейннинг қўлланилиши. Давлат хизматларида блокчейннинг қўлланилиши. Электрон тижоратда блокчейн технологиялари ва смарт контрактлар. Электрон тижоратда ISOдан фойдаланиш. Криптовалюталар электрон тижоратида тўлов тизимлари. Электрон тижоратга инвестициялар жалб қилиш. Криптовалюта электрон тижоратида биржалардан фойдаланиш.

Рақамли иқтисодиётда саноат трансформацияси. Рақамли технологияларни ривожлантириш ва саноат тармоқларини рақамлаштириш бўйича давлат дастурлари ва стратегиялари. Кибер-физик тизимлар. Ақлли ишлаб чиқариш. Анъанавий саноат корхонаси ва ақлли завод ўртасидаги фарқлар.

Ақлли қишлоқ хўжалиги концепцияси. Ақлли қишлоқ хўжалиги учун асосий инновацион ечимлар. Аниқ деҳқончилик. Аниқ деҳқончилик технологиясини амалга ошириш учун зарур бўлган техник воситалар. Аниқ деҳқончилик технологиясининг иқтисодий ва экологик жиҳатлари. Ақлли чорвачилик. Ақлли тармоқнинг таърифи. Ақлли тармоқ компонентлари. Ақлли тармоқларни амалга оширишга ёндашувлар. Рақамли логистика. Транспорт компаниясида рақамли технологияларни қўллашнинг асосий натижалари. Ақлли контейнерлар ва омборлар, учувчисиз учиш воситалари (дронлар).

Рақамли иқтисодиётда инновациялар. Дизайн фикрлаш. Таълим бизнесида рақамли инновацион технологиялар. Рақамли иқтисодиётда меҳнат бозори трансформацияси. Уйда ишлаш, фреелансинг. Рақамли иқтисодиётда таълим тизимини ислоҳ қилиш. Рақамли таълимнинг устувор йўналишлари. Молиявий хизматларни (Fintech) рақамлаштириш жараёнини амалга ошириш. Электрон тижоратда рақамли банк фаолияти (Digital Banking). Электрон

тижоратда молиявий хизматларнинг рақамли трансформацияси (Digital Transformation). Электрон тижоратнинг асосий моделлари. Анъанавийга нисбатан электрон тижоратнинг афзалликлари. Электрон тижоратдаги муваффақият омиллари. Электрон тижорат муаммолари ва амалий моделлари. Интернет-дўконлар. Электрон тўлов тизимларини ривожлантириш. Электрон тижоратнинг ривожланиш истиқболлари. Электрон маҳсулотлар ва хизматларнинг янги бозорлари. Жаҳон электрон тижорат бозори. Мусиқа сервислари. Онлайн савдо бозоридаги долзарб тенденциялар. Электрон маълумотлар бозорлари. Туризм соҳасидаги электрон тижорат. Транспортдаги электрон тижорат. Рақамли электрон маркетингнинг ташкил қилиниши. Рақамли электрон бизнес ташкил қилиниши ва бошқарилиши. Рақамли электрон бизнесни ташкил қилиш бўйича мисоллар. Электрон бизнесини ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистонда ва жаҳонда электрон тижоратнинг ривожланиш тенденциялари.

Маълумотлар хавфсизлигини таъминлашда криптография. Маълумотларнинг электрон ҳимоясини амалга ошириш. Электрон имзодан фойдаланиш. Иқтисодий фирибгарликлар. Электрон тижоратдаги фирибгарликлардан ҳимояланиш. Киберхавфсизлик. Миллий киберхавфсизлик ва ахборот хавфсизлиги стратегиялари. Киберхавфсизлик харажатлари.

“Электрон ҳукумат” тушунчаси. Электрон ҳукуматнинг вазифалари. Электрон ҳукумат тизимидаги муносабат шакллари. Электрон ҳукумат рейтинглари. Рақамли демократия. Электрон ҳукуматдан рақамли давлатгача. Ўзбекистонда рақамли давлатнинг истиқболлари. Ақлли шаҳарлар ва уларнинг рейтинглари. Ақлли шаҳар тизимининг таркибий қисмлари. Соғлиқни сақлашни рақамли ўзгартириш. “Рақамли Дори” тушунчаси. Рақамли тиббиётнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни рақамлаштириш.

Саноат 4.0 концепцияси. Рақамли иқтисодиёт ва электрон тижоратнинг ривожланиш йўналишлари. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланишининг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикасининг рақамли трансформацияси. ИТ парклари шакллантириш. Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши. Стартаплар. Ақлли шаҳар концепцияси. Ўзбекистонда таълимнинг рақамли трансформацияси.

### **Ҳисоб асослари фани бўйича:**

«Ҳисоб асослари» фанининг моҳияти, унинг мақсади ва вазифалари. Хўжалик ҳисобининг турлари, молиявий ҳисобнинг функциялари. Молиявий ҳисобнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Молиявий ҳисобнинг объектлари ва усуллари. Молиявий ҳисоб тамойиллари. Молиявий ҳисоб ва ҳисоботи.

Хўжалик маблағларининг туркумланиши. Асосий воситалар. Номоддий актив лар. Айланма маблағлар. Айланма маблағларни ўзига хос хусусиятлари. Узок муддатли молиявий қўйилмалар. Капитал қўйилмалар. Ишлаб чиқариш заҳиралари. Хўжалик маблағлари манбаларининг туркумланиши. Ўзлик ва қарз манбалар. Хўжалик жараёнларини ҳужжатлаштириш. Бухгалтерия ҳисоби

ҳисоб варақлари-молиявий ҳисоби усули. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси. Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари туркумланиши. Икки ёқлама ёзув усули. Қайта ҳисобга олиш мазмуни, қоидалари ва уни ўтказиш муддатлари. Инвентаризация - тушунчаси. Режали ва режасиз инвентаризация. Маблағлар қанча қисмини инвентаризация қилишига кўра бўлиниши: тулиқ; қисман. Инвентаризация ўтказиш ва натижасини расмийлаштириш.

Бухгалтерия баланси ва ҳисобот. Бухгалтерия баланси, унинг таркибий тузилиши. АКТ соҳасидаги корхоналарнинг пул маблағларининг ҳаракати. Ҳисоблашиш муомалаларини тўғри ва вақтида хужжатлаштириш. АКТ соҳасидаги корхоналарнинг моддий бойликлар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти. Хўжалик юритувчи субъект ходимларининг шахсий даромади. Меҳнатга ҳақ тўлаш маблағлари. Рўйхатдаги шахсий таркиб. Рўйхатдан ташқари шахсий таркиб. Иш ҳақининг икки тур: асосий иш ҳақи ва кўшимча иш ҳақи. Молиявий ҳисобда молиявий натижаларни шакллантириш.

### **Микромакроиқтисодиёт фани бўйича:**

Микромакроиқтисодиёт фанининг предмети, мазмуни, мақсад ва вазибалари. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётни жадал ривожлантиришдаги роли. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар. Иқтисодий тизимлар. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизим. Бозор иқтисодиёти ва аралаш иқтисодиёт.

Талаб тушунчаси. Талаб эгри чизиғи. Талаб функцияси. Талабга таъсир қилувчи нархга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар. Бозор мувозанати, максимал ва минимал нархлар. Талаб ва таклиф эластиклиги. Истеъмолчи танлови назарияси. Истеъмол назариясида неъмат тушунчаси. Истеъмолчи танловига таъсир қилувчи омиллар. Бозор ва таваккалчилик. Фирма ва уларнинг ташкилий-иқтисодий асослари. Ишлаб чиқариш назарияси. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари.

Рақобатлашган бозорда, қисқа муддатли ораликда фирма фойдасини максималлаштириш ва унинг таклифи. Рақобатлашувчи фирма ва тармоқнинг узок муддатли оралиғидаги мувозанати ва тармоқнинг таклифи. Рақобат ва яккахокимлик. Бозор ҳокимияти шароитида нарх белгилаш тамойиллари. Меҳнат бозори ва корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш.

Асосий макроиқтисодий курсаткичлар ва уларни ҳисоблаш. Бозор иқтисодиётининг даврий ривожланиши. Ишсизлик. Инфляция ва аксилинфляция сиёсати. Ялпи талаб -ялпи таклиф модели. Кейнснинг товарлар ва хизматлар бозорида макроиқтисодий мувозанат модели. Пулга талаб функцияси. Пул таклифи. Пул бозорида мувозанат. Давлат бюджети. Соликлар. Ташки савдо сиёсати. Очик иқтисодиётда макроиқтисодий сиёсат.

5A234101–Рақамли иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича кириш синовии ёзма шаклда ўтказилади. Ҳар бир абитуриент мазкур дастур асосида тузилган саволлардан тушадиган 5 та саволга жавоб ёзади.

Абитуриентларнинг ёзма имтиҳон саволлари бўйича ёзган жавобларини

### БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Балл	Жавоб тавсифи
<p><b>86</b> баллдан <b>100</b> баллгача (17,2-20)</p>	<p>мазмунан аниқ ёритилган, моҳияти тўлиқ очиб берилган, мантикий изчил ифодаланган; назарий билимларга асосланган ҳолда тўғри жавоб берилган; мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳлил қилинган ҳамда уларнинг самаралари ва натижалари бўйича мустақил ижодий фикр юритилган; тегишли масалалар бўйича ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси эътиборга олинган; фикр мантикий кетма-кет баён этилган, савол бўйича тегишли хулосалар чиқарилган; иқтисодий атамалардан тўғри фойдаланилган; ҳуснихати чиройли ва ўзбек тилида хатосиз ёзилган.</p>
<p><b>71</b> баллдан <b>86</b> баллгача (14,2-17,1)</p>	<p>мазмунан ёритилган, моҳияти очиб берилган, изчил ифодаланган; назарий билимларга асосланган ҳолда яхши жавоб берилган; мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳлил қилинган; тегишли масалалар бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасига муурожаат қилинган; фикр кетма-кет баён этилган, савол бўйича хулосалар чиқарилган; иқтисодий атамалардан тўғри фойдаланилган.</p>
<p><b>55</b> баллдан <b>71</b> баллгача (11,1-17,0)</p>	<p>мазмунан қониқарли даражада ёритилган; назарий билимларга етарлича асосланмаган ҳолда жавоб берилган; мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар эътиборга олинмаган; савол бўйича тўлиқ бўлмаган хулосалар чиқарилган; айрим иқтисодиё атамалар нотўғри қўлланилган.</p>
<p><b>0</b> баллдан <b>55</b> баллгача (0-11,0)</p>	<p>назарий билимларга асосланмаган ҳолда жавоб берилган; мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга умуман эътибор қаратилмаган; ҳукукий атамалар нотўғри қўлланилган; савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас; нотўғри жавоб берилган ёки умуман жавоб ёзилмаган ўқув адабиётларидан қонун ҳужжатларидан сўзма-сўз кўчирилган.</p>

## АДБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abdullayev S.A., Xajiyev B.D., Mambetjanov Q.Q. O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish strategiyasi. Darslik. – T.: —Barkamol fayz medial, 2018. – 424 bet;
2. Hajra Choudhury, —Elements of Workshop Technology, Vol. I and II, Media Promoters and Publishers Pvt., Ltd., Mumbai, 2013.
3. Maxmudov E.X. Korxonona iqtisodiyoti.O'quv qo'llanma. -T.: O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2011,- 170 bet.
4. T.Z.Teshabayev, Z.M.Otaqo'ziyeva, Makroiqtisodiyot. Ma'ruzalar matni. T.: TATU, 2015, 480 b.
5. To'xliyev N., Xolmatov N., Ermatov Sh., Haqberdiyev Q. O'zbekiston iqtisodiyoti. Darslik. T.: O'zbekiston NMIU, 2018.
6. Todaro, Michael P. Economic development / Michael P.Todaro, New York University, Stephen C.Smith, The George Washington University. -Twelfth Edition,Pearson Education, Inc. New Jersey, USA, 2015. -891 p.;
7. А.Ортиқов Саноат иқтисоди. Дарслик. Тошкент, ТДИУ, 2015-236 б.
8. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. СПб.: Питер, 2008. -768 стр.
9. Волкова О.И., Десятникова О.В. Экономика предприятия. Учебное пособие.-М.: ИНФРА- М, 2010.-601 стр.
- 10.Горелик М.А. Экономика связи. М.: «Радио и связь», 2005 г.
- 11.Демина Е.В. и др. Менеджмент предприятий электросвязи. М.: «Радио и связь», 2001г.
- 12.Додобаев Ю.Т., Отакулов О.Х., Абдуллаев С.А., Рахимова У.А., Хайдаров И., Хамидов Б.С., Обидов З. Инвестиционная и инновационная деятельность в реальном секторе. Учебное пособие. – Т: ИҚТИСОД-МОЛИЯ 2018 г. 256 стр.
- 13.Миропольского Д.Ю., Бродский Т.Г., Макроэкономика. Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2018. – 368 с.
- 14.Эргашева Ш.Т. Бухгалтерский учет. Учебное пособие. -Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ. 2010 - 520 б.
- 15.Хусаншин И.А., Кудряшов А.А., Кузьмин Е.В., Крюкова А.А. Цифровая экономика. Учебник для высших учебных заведений. М.: Горячая линия-Телеком. 2019, - 288 стр.
- 16.С.С.Фулломов, О.М.Абдуллаев, Р.Аюпов. Рақамли иқтисодиёт (криптовалюта ва блокчейн). Ўқув қўлланма. Т.: Молия, 2019. – 354 б.
- 17.Dzumaev Z.A. Makroiqtisodiyot. O'quv qo'llanma. T.:”Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2018 - 300 bet.
- 18.Салимов Б.Т., Мухитдинова У.С., Мустафакулов Ш.И., Салимов Б.Б. Микроиқтисодиёт. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2010. - 230 б.